Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 106 (8846). ● 28 май, 1986 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

МАШИНАБОП ҚИЛИБ ЎСТИРАМИЗ

ЎТГАН йили колхозимиздаги 12 та пахтачилик бригадасидан 4 тасида йиллик план бажарилмади. Бунинг сабаблари кўп эди. Ҳосилдорликни ошириш омилларидан етарли фойдаланилмади. Бунинг устига машина терими топшириғи ҳам адо этилмади. Хўжалик бўйича пландаги 2260 тонна ўрнига 1725 тонна пахта механизация ёрдамида йиғиштириб олинди, холос.

Бундай вазият бизлар учун бу йил катта сабоқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида 1986 йилги пахта ҳосилини машинада теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасидаги энг зарур тадбирлар ҳақида»ги қарорини чуқур ўрганиб чиқиб, зарур тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Агар иш бошидан пухта қилинса, ғўза дастлабки кунларданоқ машина теримини кўзлаган ҳолда парвариш қилинса, албатта, механизациядан фойдаланишда унумдорликка эришиш мумкин. Буни бизнинг бригадамиз тажрибаси кўрсатиб турибди. Ўтган йили тайёрланган 330 тонна пахтанинг 175 тоннасини биринчи сортга, 75 тоннасини иккинчи сортга сотганмиз. Терим машиналари билан 230 тонна ҳосилни йиғиштириб олганмиз. Натижада, пахтанинг таннархини бирмунча арзонлаштиришга эришдик.

Бу йил ана шу тажрибамизни янада бойитамиз. Ҳосилнинг асосий қисмини машинада териб олишни мўлжаллаб иш олиб бормоқдамиз. Сувчиларимиз, механизаторларимиз ўзаро ҳамкорликда ишлаб агротехника тадбирларини маромида амалга ошириб, ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирмоқдалар.

Бригадамиз деҳқонлари кўзлаган марраларини, албатта, эгаллайдилар.

А. ҚУРБОНОВ,
Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози бригадири.

КПСС Марказий Комитетида

МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитети шуни таъкидлайдики, Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партия XXVII съездининг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш соҳасида ўртага қўйган вазифаларини ўзларининг жонажон ишлари деб қабул этдилар, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, жамоат бойлигини кўпайтиришга сабот билан интилмоқдалар. Бизнинг давлатимизда халқ бахт-саодати йўлидаги қалол меҳнат, социалистик мулкни мустаҳкамлаш Ватан иқтисодий ва мудофаа қудратининг, ҳар бир оила моддий фаровонлигини ўстиришнинг асосий манбаи эканини, жамият барча аъзоларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим шарти, уларнинг муқаддас бурчи эканини совет кишилари яхши тушунадилар. Мамлакатда ҳалол, серунум меҳнатнинг обрў-эътиборини ошириш, социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципини оғишмай амалга ошириш тўғрисида, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан давлат ва жамоат контролини янада кучайтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилинмоқда.

Шу билан бирга одамлар талон-тарож, чайқовчилик, порахўрлик билан, гайри қонуний фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиб, меҳнатсиз даромад олаётганликларини кўрсатувчи бирталай фактлар бор. Уларнинг баъзилари давлатга тегишли машиналар, механизмлардан, транспорт воситаларидан, уй-жой майдонидан, ёқилғи, хом ашё ва материаллардан бойлик орттириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Савдо, маиший, коммунал, медицина хизмати корхоналари ва муассасаларида, ўқув юртларида кўрсатилган хизмат учун қўшимча ҳақ ундириб олиш, тушган пулни ўзлаштириш, гражданларни алдаш, ошна-ғайнигарчилик фактларига йўл қўйилмоқда. Мансабдор шахслар кўпинча хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш йўлига ўтиб олмоқдалар. Айрим совет оилаларида юлғичликка интилиш, турмушга енгилтаклик билан қараш ҳоллари қораланмаяпти.

Социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган бундай, яроқсиз ҳолатлар меҳнаткашларнинг манфаатларида меҳнатсиз даромадларни тугатиш учун кескин чоралар кўрилишини талаб қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети социализм табиатига ёт бўлган меҳнатсиз даромадларни тугатишни муҳим сиёсий, социал-иқтисодий ва тарбиявий вазифа деб ҳисоблаб, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига ҳамда Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, СССР министрликлари ва идораларига меҳнатсиз даромадлар топишга қарши курашни кучайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширишни таклиф қилди. Бу иш муросасизлик билан актив олиб борилсин, халқ хўжалигининг барча тармоқларида, фаолиятнинг ҳамма соҳаларида совет қонунларига, социалистик адолат талабларига оғишмай риоя этилишига, давлат ва гражданлар ҳисобига ғайри қонуний бойлик орттиришнинг ҳамма йўллари ва тўнуклари маҳкам беркитиб қўйилишига эришилсин. Партия билан халқ шу иллатга қарши курашга отлантирилсин.

Партия Марказий Комитети кўплаб талаб қилинаётган моллар ишлаб чиқаришни оширишга, аҳолига запас қисмлар, қурилиш материаллари, квартираларни безаш буюмларини сотишни кенгайтиришга жуда зўр эътибор беришни талаб қилди. Аҳолининг хизматларига, аввало квартираларни, автомобилларни, мотоциклларни, электр, телерадио аппаратларини ҳамда бошқа рўзғор машиналари ва асбобларини ремонт қилиш билан боғлиқ хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун жуда қисқа муддатларда моддий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилсин. Савдо, маиший ва медицина хизмати, ўй-жой-коммунал хўжалиги корхоналарининг, меҳмонхоналарнинг, хизмат қилиш соҳаси ва бошқа корхоналарининг иши яхшилансин, хизмат турлари ва шакллари кўпайтирилсин. Ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган Давлат планларининг лойиҳаларида бу хусусда қўшимча чора-тадбирлар кўзда тутилсин, маҳаллий имкониятлар ва резервлардан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Айрим моллар ва хизматлар етишмаслигининг, меҳмонхоналарда жой беришдан, транспортга билетлар сотишдан бош тортишнинг олдини олиш учун ҳамма воситалар ишга солинсин. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ўз ишини ҳалол ва виждонан бажарсин, ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳисобсиз ва назоратсиз ишонмасин, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсага

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

СССР Олий Совети Президиумида

(Боши 1-бетда).

йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиб, мол-мулки мусодара қилинади.

Ушбу ҳаракатлар бир группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки бир неча марта ёхуд товламачилик қилиш йўли билан пора олиш тариқасида содир этилса, ёинки кўп миқдорда пора олиш билан боғлиқ бўлса, беш йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиб, мол-мулки мусодара қилинади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган, масъул мансабни эгаллаб турган ёки порахўрлиги учун илгари судланган ёхуд жуда катта миқдорда пора олган мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳатти-ҳаракатлар учун саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулкини мусодара этиш ҳамда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиш билан ёхуд сургун қилинмай жазоланади, айбни оғирлаштирадиган алоҳида ҳолларда эса ўлим жазоси берилиб, мол-мулки мусодара қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ёки жамоат мулкини оз миқдорда талон-тарож қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги 1982 йил 3 декабрдаги фармонининг 1 ва 2-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилди:

1. Белгилаб қўйилсинки, давлат ёки жамоат мулкини оз миқдорда талон-тарож қилган шахс башарти, унинг ҳатти-ҳаракати жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаса, йигирма сўмдан икки юз сўмгача миқдорда штраф солиш тариқасида маъмурий жавобгарликка тортилади ёхуд бир ойдан икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши берилиб, иш ҳақининг йигирма проценти ушлаб қолинади, ёинки жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилади ҳамда келтирилган мулкий зарар ундириб олинади.

2. Давлат ёки жамоат мулкини талон-тарож қилган шахслар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши ёхуд уларга нисбатан жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилиши билан бир қаторда, маъмурият меҳнат коллективи ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети (касаба союз бюроси), унинг структуравий бўлинмаси ёки бригада кенгаши билан келишиб туриб белгилайдиган давр мобайнида ҳамма хил мукофотлардан ҳам маҳрум этиладилар. Улар, шунингдек, йил якунларига қараб бериладиган мукофотлардан, дам олиш уйлари ёки санаторийларга имтиёзли путёвкалар олишдан маҳрум бўладилар; уларнинг уй-жой майдони олиш навбатини меҳнат коллективининг таклифига биноан корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти касаба союз комитети билан келишиб туриб, кейинга суриши мумкин.

Меҳнатсиз даромад топишга қарши курашни кучайтиришга оид тегишли ўзгартишлар СССРнинг баъзи бир бошқа қонун актларига ҳам киритилди.

Ушбу фармон 1986 йил 1 июлдан кучга киради.

Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига иттифоқдош республикалар қонунларини шу фармонга мувофиқлаштириб чиқиш топширилди.

Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда).

ниҳоясига етказишни юклади. Учет ва ҳисобот соҳасида бузишлар ва суиистеъмолларнинг олдини олиш, аниқлаш ва пайини қирқиш ишида ҳуқуқ-тартибот ва контрол органларининг ҳамкорлиги яхшилансин. СССР Марказий статистика бошқармаси органлари қуриб битказилган объектларни фойдаланиш учун топширишга қабул қилиш қоидалари бузилганлигини аниқлаганларида, бу объектларни ҳисоботлардан чиқариб ташласинлар.

СССР Давлат банки ва СССР Қурилиш банкига нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан хўжалик муносабатларида социалистик қонунчиликка риоя этилишининг дастлабки назорати воситаси сифатида, айниқса ҳисоб-китоб ҳужжатларининг товар кўринишли устидан дастлабки назорат воситаси сифатида активроқ фойдаланиш топширилди.

Халқ истеъмол моллари сифат жиҳатидан қабул қилинганидан кейин, агар иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлса, уларга ҳақ тўлаш тартиби жорий этилсин. Якка тартибда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширувчилар билан тайёрлов ташкилотларининг ҳисоб-китоблари устидан банк назоратини кучайтириш зарур деб топилди, топширилган маҳсулотга нақд пулсиз ҳақ тўлаш тартиби кенгроқ жорий этилиши керак. СССР Давлат банкининг корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар СССР Давлат банки муассасаларига ўз чекларини тақдим этиб, пул маблағларини олишини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, ҳалқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига уй-жойлардан жамият манфаатларига зид тарзда шахсий бойлик орттириш ва бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмаслигини назарда тутиб, гражданларнинг уй-жой биноларидан фойдаланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида кўрсатма берилди. Уй-жой бинолари, боғ ҳовлилар ва чорбоғларини ижарага берадиган шахслар рўйхати тузилсин ва бу шахслар ижарага бериш масалаларини тартибга солиб турадиган қонун талабларига қатъий риоя этишлари таъминлансин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ана шундай шартномаларни қайд этиш тартибини, ижарага бериладиган уй-жой биноси, молмулк ва кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ тўлашнинг шартлари ва унинг энг кўп тўлов миқдорини белгиласин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Савдо министрлигига ва Центросоюзга колхоз бозорлари ишини яхшилаш, бу бозорларда колхозлар, совхозлар ва матлубот кооперациялари амалга ошираётган савдо-сотишини кенгайтириш, савдо қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш тадбирларини белгилаш топширилди. Бунинг учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил 9 январдаги «Матлубот кооперациясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги 40-қарорида кўрсатилган имкониятлардан кенгроқ фойдаланилсин. Колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларни ҳисобга олиш тартиби белгилансин, савдо қоидаларига риоя этишни назорат қилиш ишида ва чайқовчиликнинг ҳамда меҳнатсиз даромад олишнинг бошқа шаклларининг олдини олиш ва пайини қирқишда бозорлар маъмуриятининг ҳуқуқлари кенгайтирилсин ва жавобгарлиги оширилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган ортиқча гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини давлат ва кооператив тайёрлов ташкилотларига шу маҳсулот тайёрланган жойларда сотилишини кенгайтиришлари ва рағбатлантиришлари лозим; гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги маҳсулдор чорва молларнинг сони ва тури устидан белгиланган айрим чекланишларни бекор қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин ва зарур ҳолларда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, мол боқишнинг энг кўп нормаларига аниқликлар киритилсин. Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида мол боқишнинг норма ва тартибига қатъий риоя қилиниши устидан назорат кучайтирилсин, агар бу норма ва тартибларни бузганлик учун жавобгарлик амалдаги қонунларда кўзда тутилмаган бўлса, ана шундай жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

Гражданлар билан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида беш минг сўмдан кўп миқдордаги олди-сотди ҳисоб-китобларини СССР Давлат банкининг муассасалари ёки давлат меҳнат омонат кассалари орқали нақд пулсиз, пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш белгиланди. Ўн минг сўмдан ортиқ миқдордаги олди-сотди ишларини амалга ошираётган, шунингдек қиймати 20 минг сўмдан кўп бўлган уй (дала ҳовлиси) қураётган гражданлар молия органига маййан маблағларнинг олиш манбалари тўғрисидаги декларацияни тақдим этишга мажбурдирлар. Гражданлар халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети ёки прокурорнинг талаби билан ҳам маблағ олиш манбалари ҳақида молия органига декларация тақдим этишга мажбурдирлар.

КАТТА ИЖТИМОИЙ КУЧ

Владимир Ильич Ленин мамлакатимизда Октябрь революцияси ғалаба қозониб, пролетариат диктатураси ўрнатилгандан кейин коммунистик қурилишни амалга оширишда хотин-қизлар катта куч эканлигини 1918 йилдаёқ алоҳида таъкидлаган эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати Ленининг бу таълимотига оғишмай амал қилиб, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда актив қатнашишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Шунинг учун ҳам совет хотин-қизлари ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида муҳим ўрин эгаллаб, коммунистик қурилишда актив иштирок этмоқдалар. Мамлакатимиздаги ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боисдан мамлакат экономикасини , ривожлантиришда хотин-қизларнинг меҳнат активлигини ошириш катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев партия XXVII съезди минбаридан туриб шундай деди: «Социализм хотин-қизларни иқтисодий ва социал зулмдан халос этди, уларга меҳнат қилиш, билим олиш, ижтимоий ҳаётда қатнашишда эркаклар билан тенг имкониятлар яратиб берди». Ҳақиқатан ҳам хотин-қизлар жамиятимизда ўз ўрнини топиб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Областимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида ҳам кўплаб хотин-қизлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бундай аёллар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. У ўтган йили 1980 йилдагига нисбатан 1,9 процент кўпайди. Эндиликда улар область халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишчи хизматчиларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқдалар.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида меҳнат қилишлари социализмнинг туб моҳиятидан келиб чиқади, яъни жамиятимизнинг асосий принципларидан бири инсон жинсидан қатъий назар ҳар бир жамият аъзосининг қобилиятига яраша меҳнат қилиши зарурлигидандир.

Меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин кўтариш меҳнат ресурсларига доир кўпгина масалаларни ҳал қилиш вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Социалистик ишлаб чиқариш тараққий этган сари меҳнаткашларнинг юқори унумли меҳнатга яраша малакаси ҳам ошиб бориши зарур. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат унумдорлиги ишчининг жисмоний кучларни кўп сарфлаши эвазига эмас, балки юқори унумли меҳнат учун қулай шароитлар яратиш эвазига ортиши мақсадга мувофиқдир.

Демак, хотин-қизларнинг меҳнат активлигини ошириш учун улар ихтисосини такомиллаштириш, малакаси, билими ва маданиятини оширишлари учун барча қулай шароитларни яратиб бериш лозим. Ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдаланишни кенгайтириш, иш жараёнларини такомиллаштириш, илғор иш усулларини қўлланиш хотин-қизларни жисмоний меҳнатдан озод қилади, уларнинг унумли ишлашига ёрдам беради. Айни вақтда улар бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, ҳар томонлама камол топишлари учун имкониятлар доираси янада кенгаяди.

Аёлларнинг оналик бурчини меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда актив қўшиб олиб боришларига имкон берадиган меҳнат ва турмуш шароитини яратиш — оиланинг кўпгина проблемаларини ҳал этишнинг асосий шартидир.

Социалистик жамиятда меҳнат фақат киши ҳаётининг асосий фаолиятигина бўлиб қолмай, шахснинг камол топишида восита ҳамдир. Меҳнатнинг бу хусусияти, айниқса, оналарнинг қобилиятларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнатга лаёқатли хотин-қизларнинг ижтимоий

Хотин-қизлар активлигини оширайлик

ишлаб чиқаришда актив иштирок этишлари, бир томондан оила даромадини кўпайтирса, иккинчи томондан уларнинг шахсий камол топишига ёрдам беради, бу ўз навбатида болаларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга имкон яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, хотин-қизларнинг халқ хўжалигига жалб қилиниши хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши эса истеъмол фондларидан унумли фойдаланишни талаб этади. Бундай тадбирлардан бири Коммунистик партия ва Совет давлати мунтазам эътибор бераётган оналик ва болаликни муҳофаза қилишдир. Бу тадбир аёлларга ўзларининг ва болаларининг соғлиғини сақлашда ҳамда ижтимоий меҳнатда актив қатнашишларида ёрдам беради, оналик вазифасини адо этишига шароит яратаяпти. Бундан ташқари, болаларни жамоат муассасаларида бепул ёки имтиёзли равишда тарбиялаш ҳам хотин-қизларнинг меҳнат активлигини оширишдаги муҳим омиллардан биридир.

Давлат ва кооператив корхоналари, ташкилотлари ҳамда хўжаликлар томонидан мактабгача болалар муассасалари қурилиб, уларда минглаб болалар тарбияланмоқдалар. Агар 1975 йилда республикамиздаги мактабгача доимий болалар муассасалари 5194 тани ташкил этган бўлса, 1984 йилда уларнинг сони 8194 тага етди. Бу республикамизда мактабгача болалар муассасалари тез суръатлар билан кўпаяётганлигининг ёрқин далилидир. Уларда тарбияланувчилар сони ҳам ортмоқда. Масалан, республикамизда мактабгача доимий болалар муассасаларида тарбияланувчилар сони 1975 йилда 561 минг 200 кишини ташкил этган эди, 1984 йилда бу кўрсаткич 1 миллион 92 минг бир юз кишига етди. Яъни тўққиз йил ичида боғча ва яслиларда тарбияланаётган болалар сони деярли икки марта кўпайди.

Шуни айтиш лозимки, ёз пайтларида мавсумий мактабгача болалар муассасалари ҳам ташкил этилади. Ҳар йили бундай болалар муассасаларида 340 минг бола дам оляпти.

Мактабгача болалар муассасаларининг аҳамияти шундаки, биринчидан, улар оналарнинг ижтимоий меҳнатда актив қатнашишига шароит яратса, иккинчидан, болаларнинг бу муассасаларда тарбияланиши оиланинг даромадини оширади, учинчидан, болалар ҳар томонлама ва соғлом тарбияланиб, мактабга боришга ҳам тайёрланади. Шунинг учун ҳам КПСС XXVII съездида мактабгача болалар муассасаларини ривожлантириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди: яқин йиллардаёқ аҳолининг мактабгача болалар муассасаларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш вазифаси ҳал қилиниши таъкидланган.

Мамлакатимизда она ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қиладиган медицина муассасалари тармоғи жуда кенг ривожланган. 1984 йилда республикамиз касалхоналарида 214 минг ўрин мавжуд эди. Революциягача қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида кўплаб соғлиқни сақлаш муассасаси бўлиб, унда 139 нафар врач хизмат қиларди. Ҳозирги пайтда республикамизнинг даволаш-профилактика муассасалари энг янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, 58 минг 729 нафар врач, 166 минг 600 нафар ўрта махсус маълумотли ходимлар ишлаб келмоқдалар. Аҳолининг врачлар билан таъминлаш даражаси бўйича Ўзбекистон АҚШ, Англия, Франция, ГФР ва бошқа тараққий қилган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди.

Болалар муассасалари, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, уй-жой ва коммунал хўжалик, маиший хизмат кўрсатиш, корхоналари тармоғининг кенгайиши уй-рўзғор юмушларини борган сари енгиллаштирмоқда. Бу корхоналарда ишнинг яхшиланиши меҳнаткашларга, айниқса, хотин-қизларга бўш вақтдан самарали фойдаланиш, маданий савияни кўтариш, дам олишни яхшилашга ёрдам беряпти. Шу боисдан партия XXVII съездида хизмат кўрсатиш тармоқларини янада ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Халққа хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳар томонлама ривожланиши социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги активлигини оширишга ёрдам беради. КПСС XXVII съезди материалларида аёлларнинг оналик бурчини хизмат бурчи билан муваффақиятли олиб бориши учун меҳнатда ва турмушда қулай шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилиш назарда тутилган. Уларни амалга ошириш хотин-қизларнинг жамиятимиздаги мавқеини янада мустаҳкамлашга олиб келади.

М. БАРАТОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати.

СИФАТГА «БЕШ» БАҲО

— АГАР социалистик мусобақа натижаларини студентларнинг диплом ёқлашига қиёс қиладиган бўлсак, у ҳолда Раҳматулла Тўраев бошлиқ комплекс бригада аъзоларини бу имтиҳондан муваффақиятли ўтишларига шубҳа қилмаса ҳам бўлади,— деди йиғув-механика цехининг бошлиғи Ф. Семёнов.— Мана, бир мисол. Бу коллектив КПСС XXVII съезди шарафига бошланган бригадаларо социалистик мусобақада ғолибликни қўлга киритди. Бугина эмас, улар ҳозирги вақтда фидокорона меҳнат қилиб, янги беш йилликнинг биринчи йилидан уч ой олдинда бормоқдалар.

Тўғри. Мана, олдимизда ўрта бўй, қотмадан келган, бақувват йигит турибди. Биз ундан бундай ютуқларга қандай эришаётганини сўраганимизда у бир зум ўйланиб қолди.

— Ҳамма шунақа,— деди сўнгра у қандайдир нороз оҳангда,—салгина муваффақиятга эришсак, дарров бунинг сабаби ва аллақандай «сир»ларини суриштириб қолишади. Ҳолбуки, норма бажариш, нормадан ўзиб ишлаш биз учун оддий тушунча, аслини олганда виждон ишига, кундалик бурчимизга айланиб қолган...

Бригада аъзолари терим машиналари роликларига механик ишлов берадилар. Бунда кўпроқ сифатга эришиш мақсадида бригада тайёрлов цехи ҳамда ҳунартехника ўқув базаси билан уч томонлама шартнома тузган. Мазкур шартнома бригадани малакали ишчи кадрлар ва материал билан таъминлашни назарда тутади.

Коллективнинг меҳнат кўрсаткичлари ёзилган стенднинг шундоққина ёнида сифат бурчаги ташкил этилган. Бу ерда «беш балл» рақамга кўзингиз тушади. Демак, Раҳматулла Тўраев бригадаси аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар «беш баҳо»га қабул қилиниб, «Ташсельмаш» заводида пешқадамлар сафида бормоқда.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводи инженери.

□ ТОШКЕНТ электр машиналари заводи коллективи бу йил 38 мингта электр пайвандлаш аппаратлари ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу маҳсулотлар турли ирригация иншоотлари ва саноатнинг тармоқларида кенг қўлланилади. Суратда: техника назорати бўлими ходими В. Лутцева ва мастер А. Тошматовлар навбатдаги тайёр маҳсулотларни жўнатишга тайёрлашмоқда.

В. Сироткин фотоси.

Хўжаликлар тарихини чуқур ёритайлик

Колхозлар, совхозлар тарихини чуқур ёритиш, бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ветеранлари эсдаликларидан кенг фойдаланиш авторлар коллективининг муҳим вазифасидир. Тарихий материалларда қишлоқ меҳнаткашлари маданий турмуши ва фаровонлигининг юксалиб бораётганлиги, ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўллари ишончли мисолларда кўрсатиб берилиши керак.

Тошкент область партия комитети ҳузуридаги колхоз ва совхозлар архиви республика институти филиали томонидан яқинда ўтказилган авторлар коллективи илмий-амалий семинари шу масалаларга бағишланди.

Семинарда КПСС XXVII съезди талаблари асосида колхозлар ва совхозлар тарихи очерклари, қишлоқ хўжалиги ветеранлари эсдаликлари сифатини ҳар жиҳатдан яхшилаш вазифалари муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари тарих фанлари доктори, профессор А. Р. Раззоқовнинг «КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида хўжаликлар тарихи очерклари мазмунига бўлган асосий талаблар» тўғрисидаги докладини тингладилар. Шунингдек, семинарда Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Т. И. Исмоилов тарихий очеркларнинг ёзиш жараёнида марксизм-ленинизм классиклари асарлари, партия ҳужжатлари, архив материалларидан фойдаланиш тўғрисида гапириб берди.

Семинарда ўзаро тажриба алмашилинди. Докладчилар семинар қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоблар бердилар.

Б. КАИПОВ.

ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ЖАМИЯТИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ IX КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган тарих ва маданият ёдгорликларини авайлаб-асраш, уларни ўрганиш ҳамда келажак авлод учун бус-бутун етказиш ҳар бир кишининг гражданлик бурчидир. Бизнинг областимиз тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳозирги кунда Тошкент области шаҳарлари, қишлоқларида 1 мингдан ортиқ тарих ва маданият ёдгорликлари мавжуд. Шулардан 20 таси нафақат областимизнинг, балки республикамизнинг ҳам фахри бўлган монументал санъат ва архитектура ёдгорликларидир. Шунингдек, ўзининг узоқ ўтмиш тарихига эга бўлган одамларнинг дастлабки маконлари, қадимий шаҳарлардан иборат областимиздаги 205 та археологик ёдгорликлар ҳозирги қунда ҳам республика аҳамиятига молик бўлиб, давлат муҳофазасига олинган.

— Ёдгорликларни сақлаш, уларни аҳоли ўртасида кенг пропаганда қилишда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент область Совети, шунингдек, жойлардаги бошланғич ташкилотлар, жамиятнинг район Советлари томонидан қатор ибратли ишлар бажарилмоқда, — деди Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти область Советининг ёқинда бўлиб ўтган IX конференциясида ҳисобот доклади қилган, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Н. Жаҳонгирова. — Айни пайтда областда жамиятнинг 1 минг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Калинин районидаги «Рассвет» ва Свердлов номли совхозлар, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз, Янгийўл районидаги «Коммунизм» ва Ленин номли колхозлар, шунингдек, Тошкент, Ўрмонжикидзе райони хўжаликлари, Олмалиқ, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари ташкилотлари ҳамда муассасаларидаги бошланғич ташкилотларда жамият аъзоларининг сафини ўстириш, мавжуд ёдгорликларни оталиққа олиб, уларни авайлаб-асраш, пропаганда қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Областда ҳозир 700 ташкилот ва муассаса, колхоз ва совхозлар, шунингдек, ўқув муассасалари коллективлари томонидан кўплаб ёдгорликлар оталиққа олинган. Оталиқ ташкилотлари ёдгорликларни ремонт қилиш, уларнинг атрофини ободонлаштириш ва ана шу ёдгорликлар олдида турли тантанали тадбирлар ўтказиш ишлари билан шуғулланадилар. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, шаҳар маданият бўлими, 15—16-ўрта мактаблар, Чирчиқдаги «Ўзбекхимпром» заводи, «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Янгийўл пойабзал фабрикаси сингари кўплаб саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари ёдгорликларни сақлаш ишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Бироқ, Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Паркент, Тошкент ва Чиноз районларида оталиқ ташкилотларнинг ёрдами сезилмайди. Бу районларда мавжуд айрим ёдгорликларни ремонт қилиш, атрофини ободонлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Областимиз территориясида ўрта аср тарихига мансуб «Занги-ота» архитектура ансамбли бор. Афсуски, ана шу ноёб ёдгорликни тиклаш ишлари узоқ йиллардан буён сусткашлик билан олиб борилмоқда. Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти область Совети бу ишларни тезроқ бажариш учун ҳар йили маблағ ажратади. Аммо унинг бир қисми ўзлаштирилмай қолиб кетади. Бу масала бир неча бор кўтарилди. Бироқ ҳамон ўзгариш бўлмаяпти. Республикамизда моҳир таъмирловчи усталар кўплаб топилади. Уларнинг кучи халқ мулки бўлган ноёб ёдгорликни қайта тиклашга тўла йўналтирилмаяпти.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ёдгорликни қайта тиклаш чораларини кўришга ваъда қилган. Аммо ҳали ҳеч қандай натижа кўрилаётгани йўқ. Ёдгорликнинг ҳақиқий эгаси ва буюртма берувчи ким бўлиши ҳақида узундан узоқ тортишувлар давом этаяпти. Ёдгорлик эса вақт ўтиши билан секин-аста емирилиб бормоқда.

Музокарада сўзга чиққан Олмалиқ шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси З. Асанова, жамиятнинг Янгийўл район «Коммунизм» колхозидаги бошланғич ташкилоти раиси Ш. Бекматов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори Ю. Буряков, уруш ветеранлари Тошкент район секциясининг раиси Т. Шарипов ва бошқалар бу муҳим ишдаги ютуқлар ҳамда нуқсонлар ҳақида гапиришди.

Конференцияда тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти область Совети ҳамда ревизия комиссиясининг янги составлари, шунингдек, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти V съездига делегатлар сайланди.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Н. Жаҳонгирова тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти область Совети президиумининг раиси қилиб сайланди.

Конференция ишида область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири К. Р. Расулов, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти республика правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Ф. Ю. Турсуновлар қатнашдилар.

Қ. КАРИМОВ.

Ишчилар оромгоҳи

«ТАШЭНЕРГОСТРОЙ» трести қурилиш-монтаж бошқармаси 8-участка коллективининг бош прораб Тожибой Шораҳмедов етакчилигидаги коллективи илғорлиги билан танилган. Ҳозир улар Тошкент «Компрессор» заводи ишчи-хизматчилари учун дам олиш зонаси қурилишида қатнашишмоқда. Бу оромгоҳ Чорвоқ сув омбори яқинидаги Чотқол тоғи ён бағрида бунёд этилмоқда. Шу кунгача барча қулайликларга эга бўлган 5 та коттеж, сузиш ҳавзаси қуриб битказилди, сув ва электр тармоқлари ишлари ниҳоясига етказилди. 200 ўринга мўлжалланган ошхона қурилиши битиш арафасида.

Дам олиш зонасини белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун ғишт терувчи Мамарасул Гадойбоев, бетончи Йўлдош Исмоилов, монтажчи Маҳкам Тошматов, дурадгорлар Ашур Ражапов, Каромат Михрапов, пардозловчилар Тансук Юнусова, Хонгул Хакимова, Жаннат Маҳкамова сингари ишчилар фидокорона ишламоқдалар.

Оромгоҳ июнь ойида дастлабки дам олувчиларни қабул қилади.

М. ДОКТОРОВ.

БУГУН — ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

● ЗАКАВКАЗЬЕ округининг «Н» чегара денгиз қисмида учинчи ранг капитани Александр Радаев командирлик қилаётган кема энг илғорлардан бири ҳисобланади. Суратда: командирнинг снёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант С. Цибульский дам олиш пайтида матрослар билан суҳбатлашмоқда.

А. Тавакалов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● ҚИЗИЛ БАЙРОҚ орденли Ўрта Осиё чегара округи бўлинмалари ўртасидаги социалистик мусобақа якунига кўра офицер Владимир Подгорний командирлик қилаётган застава ғолиблардан бири деб топилди. Шахсий состав кечаю-кундуз, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам Ватанимизнинг Жанубий чегарасини сергак туриб қўриқламоқда. Суратда: чегара наряди. (Чапдан ўнгга) ефрейтор О. Баранов, оддий солдатлар А. Радченко ва А. Левченко.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЛАЗЕР ЁРДАМИДА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси

Республикамиз бош кўргазмасининг марказий павильонида намойиш этилаётган янги тематик кўргазмада лазер ёрдамида амалга оширилаётган бир қанча жараёнлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Олимлар томонидан юқори баҳо олган лазер техникаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника ва физика-техника институти ҳамда В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети мутахассисларининг лазер билан боғлиқ бўлган бир қанча экспонатлари экспозициядан ўрин олган.

Ҳозирги кунда лазер ёрдамида материалларга ишлов бериш ва нурлантириш, металларни пайвандлаш, кесиш, пармалаш, ўзлаштириладиган қўриқ ерларни планлаштириш, турли мураккаб операцияларда кенг фойдаланилмоқда. Олимларимиз бу билан чегараланиб қолмай, лазерни халқ хўжалигига кенг тадбиқ қилиш борасида изланишмоқда. Мавжуд илмий-текшириш институтларида лазердан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш мақсадида илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги физика-техника институтининг махсус конструкторлик бюроси илмий ходимлари лазер техникасидан фойдаланиб металл кесувчи мосламаларнинг иш муддатини бир неча баробар орттиришга эришдилар. Ана шу қурилманинг ҳар биридан йилига ярим миллион сўмлик иқтисодий самара олинмоқда. Лазерли рефлектрограф қимматбаҳо тошларнинг таркиби ҳамда сифатини аниқлашда экспертиза ходимларига жуда асқотмоқда. Лазерли сейсмограф ва телефон аппаратлари ҳам кўпгина мутахассислар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Кўргазмада намойиш этилаётган лазер техникасининг сўнгги ютуқларидан бири бўлмиш кўп каскадли, ўта кучли необийли лазер ҳамда кичик ҳажмдаги инфрақизил ва гелийнеонли лазер қурилмалари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Қ. ЭРДОНОВ.

ОҚЛОНДАН ЧИҚҚАН ЛЎТТИБОЗЛАР

Биз яшаётган социалистик жамиятда ҳар ким қобилиятига қараб ишлайди, меҳнатига яраша иззат-ҳурмат кўради. Социалистик хонадонимиз улкан ҳаётнинг ўзи. Биз унинг ютуқларидан қувонамиз, нуқсон ва камчиликларидан нолимаймиз. Чунки эркин, бахтиёр ва озод яшаш гаштини ана шу жамиятда топганмиз. Аммо ана шу жамиятда яшаб, битта ҳаводан нафас олиб, шу жамият яратиб берган барча имтиёзлардан, ноз-неъматлардан баравар баҳраманд бўлиб, унга туҳмат тошини ёғдирувчи кимсаларни нима деб аташ мумкин?

Гап бу ерда ажнабий-ҳорижий, бизга нодўст юртлардан келаётган ёт овозлар, «совуқ шабада»лар ҳақида бормаяпти. Гап ўз ичимизда яшаб, шу тузум афзалликларидан фойдаланаётган, аммо тўқликка ишҳлик қилиб, унинг ҳавосини булғатаётган, жамиятдаги яшаш нормаларини бузаётган, унинг адолатли қонун-қоидаларини «олабўжи» қилиб кўрсатишга уринаётган ғаламислар ҳақида бормоқда. Бундайларни оддийгина қилиб нонкўрлар ёки кўрнамаклар дейиш камлик қилади. Улар шундай дориломон ва фаровон ҳаётимизда жўрттага кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб номақбул иш қиладилар, ҳатто одамлар ҳаётига ҳам сурбетларча аралашиб, нене гулдай турмушга зоҳар пуркайдилар, уларни ишдан бездириб, яшаш завқ-шавқидан маҳрум қиладилар.

Булар кимлар? Ака-ука Муҳаммаджон ва Ғуломсобир Мусажонов деган бу кимсалар пойтахтимизнинг Октябрь райони Ибн Сино кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилишади. Касб-корларининг тайини йўқ, аммо пул-бойликка ўч, бир мири фойда чиқадиган жойда ўзларини томдан ташлашга ҳам тайёр турган бу шахслар шаҳардаги ҳамма бозорларга ва айниқса, Чорсудаги чайқов бозорига тандa қўйиб, бу ерда қиймматбаҳо телпак ҳамда баъзи ҳорижий буюмларни ютаган нархда ҳуфёна пулдай бошладилар. Шу тариқа ҳамёнлари тўлиб, ҳаром-ҳариш йўл билан топилган мўмай пуллар уларни қутуртирди, атроф-теваракка, ўзларидан сал бундайроқ одамларга беписанд қарайдиган одат чиқаришди.

— Тоға, ахир бу мумкин эмас-ку, милиция ходимларидан қўрқмайсизларми, нақд қамаб қўйишади-я?!

Ғуломсобир билан Муҳаммаджон «содда» жияни Абдуборийнинг бу саволини ерда қолдирмадилар:

— Э, жиян, бизни ким деб ўйлаяпсан ўзи? Пул бўлса чангалда шўрва деган гапни эшитмаганмисан? Еган оғиз уялади-да!..

Бора-бора ака-укаларнинг бу соҳадаги қинғир ишлари болалаб, қўлларини қаерга узатса етадиган, қармоқларига нуқул «лаққа» илинадиган бўлиб қолди. Улар Тошкентдагина эмас, бошқа шаҳарлардан ҳам таниш-билишлар орттиришди. Уфалик Талғат ҳазрат билан Сулаймон эшон Муҳаммаджон билан Ғуломсобирга айниқса, ёқиб қолди. Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганлари шу-да. Улар чайқов бозорида харидоргир моллар билан шерикчилик қила бошлашди. Чунончи, уфалик шериклари узатган камёб телпакларни акаукалар ҳидини чиқармасдан бемалол пуллаб турдилар. «Ҳазратлар» совға қилган диний китоблар (аслида уйдирмалар) эса, уларнинг шундай ҳам ўтмаслашган ғояларини бадтар ўтмаслаштирди. Лекин улар ўзларини диди юксак одамлар деб билишар эди, «дидсизлик» билан асло келишолмасдилар.

Хўш, бу вақтда бозор назоратчиларининг кўзи қаёқда эди, дерсиз? Саволингиз ўринли-ю, аммо бу кўзлар синашта «қадрдон кўз»лар бўлгандан кейин бир-бирларини аяшадида!.. Лоқайдлик ва бепарволик оқибатида аста-секин Ғуломсобир ва Муҳаммаджонларнинг чап қўнтакларида қурён оятлари ёзилган кассеталар, қўлларида эса чет эл «ажи-бужилари» — ғалати гулдор қўйлаклар-у, жинси шимлар пайдо бўлди. Булар ғойибдан бино бўлиб қолгани йўқ, албатта. Буларни Мусажоновлар «кепқолинг», деб овозларини баралла қўйиб сотганлари ҳам йўқ. Бироқ, улар ўз харидорларини осонгина топишар, баъзилари олифта, баъзилари меҳрибон отаоналарининг давлати ҳисобига керилиб юрган «бойвачча»ларнинг пулларини силлиқлик билан олиб қўйишар эди.

Баъзан ўта соддадил харидорлар ҳам учраб қоларди. Икки томон битишолмагач, Ғуломсобир уларни калака қилгандай, орқасидан кулиб қоларди-да, дерди:

— Умрингдан бир кун қолса ҳам палов е деган эскилар. Сенлар ҳам юриб-санлар-да, «местний» молларга маҳлиё бўлиб!.. «Импорти»дан киймайсанми?! Дарвоқе, чўнтагинг қуруқ бўлса, нега сўрайсан? Кетавермайсанми йўлингдан қолмай! Бунақасини ўғил бола кияди-да, ҳумпар. Ие, анови мўйлов йигитча ким бўлди?.. Ҳой, қани бери келчи, окаси жонидан!..

Мусажоновлар тубанлик ва пасткашлик ботқоғига тобора чуқурроқ ботиб боришарди. Ичи ҳоралик, кўролмаслик, баҳиллик, ҳасадгўйлик иллатлари уларни ҳоли-жонига қўймай нималаргадир ундар, кимларнидир тўғри йўлдан оздиришга, кимнидир тойдиришга, яна бировларни дин йўлига солишга даъват этарди. Ниҳоят, улар чайқовчиликда озроқ «нафас ростлаб» олмоқчи бўлишди. Гапнинг рости, уларни бошқа ишлар кутаётган эди.

— Асосий ишларимиз қолиб кетяпти-ку, ака, — деди бир кун Ғуломсобир Муҳаммаджоннинг жаракқ-жарақ пул санаётган титроқ қўлларига тикилиб, — ахир бунақада...

— Хўш, нима қил демоқчисан, жон ука,— дея сўради Муҳаммаджон бамайлихотир пул санашда давом этиб.

— Ахир, мактаб очамиз демаганмидик?! Тўғри, очишга очдик. Лекин уни давом эттириш ҳам керакда. Бунақада бола шўрликлар чаласавод бўлиб қолади-ку?

— Дарвоқе, мактаб!— деди Муҳаммад укасининг кўзини шамғалат қилиб ҳамёнини у чўнтакдан олиб бу чўнтагига ширраркан, — энди савоб иш ҳам қилишимиз керак.

— Иккинчидан, — деди Ғуломсобир ҳам қув кўзларини ўйнатиб, — бу ҳам пул топишнинг бир йўли. Сендан угина — мендан бугина, деб бежиз айтишмаган. Ахир, қўлимизда болалари илму-урфон олади-ю, «хешу-ақраболар» бизни қуруқ қўярмиди, акажон.

— Ҳовва, ана энди ўзингга келдинг! — деди ака ўз навбатида, — энг муҳими ишимизга ётларнинг назари тушмасин, илло орага хиёнат ораламасин, дўппининг тагига, қўлтиғингга кўз тумор тиктириб ол. Буёғини боплаймиз! Эскичадан илмуамалимиз етарли. Уфалик имом-обийларимиз ҳам қараб туришмас. Ўзимизнинг асл мусулмон китобларини тахлаб қўйганман. Аввалгидек, машғулотларимиз уйда олиб борилади. Фақат эшик-деразаларни қора парда билан тўсиб қўйилса, бас. Ҳа, айтгандай, журналингни олиб, рўйхатга янги кирувчиларнинг номини ёзиб қўй: ўзимизнинг Ибн Сино 5-уйдан Обиджон, кейинги кўчадан Абдуллажон, Файзуллажон, Октябрь масъиси Ихтиро кўча 18-уйдан жиянимиз Абдубоситхон, яна... Ҳа, нимайди, отинг қурғур, бор-ку, ҳалиги эри қазо қилган жувон... Ўшанинг болалари ёппасига бизнинг қўлимизда «одам» бўлишмоқчи. Иншоолло, бу ғофил бандаларнинг кўзларини очиб қўйиш бизнинг маҳримизга тушди, укам!..

Шу ерда Ғуломсобир миясига зўр бир фикр келгандай акасига деди:

— Булар «детсад» ёшидаги болалар-ку, тағин, бош оғриқ бўлмасмикин?

— Хомсан пишарсан — бу дамингдан тушарсан, деган экан биров, — тушунтирди унга Муҳаммад. — Риёзат чекмасанг роҳат қаёқда?! Ҳақиқий мухлислар ана шу ёшдаги болалардан чиқади-да. Йўғонни эгиб олгунча она сутинг оғингдан келади. Ёш ниҳолни парваришлаш осон. Қаёққа эгсанг шуёққа эгилаверади...

Диёнатсиз, устаси фаранг аканинг бу гапи беқарор укага сариёғдек ёқди.

Шундай қилиб, улар ўз «фаолият»ларини бошлаб юборишди. Далил-исботларимиз янада ойдинроқ бўлиши учун иккита хатдан мисол келтирамиз. Биринчиси, Тошкент шаҳар Октябрь район Ибн Сино кўчасида яшовчи Самандар Шерматов бундай деб ёзади: «Мусажонов Ғуломсобир 1982 йилдан буён ўз уйида мактаб ёшидаги болаларни тўплаб, ислом динига ўқитиб келади. Шулар қатори менинг ўғлим Обиджонни ҳам қўярда-қўймай ўз таъсирига тортди. Сўнгра Ғуломсобирнинг баджаҳллиги, йўлига юрмаган болаларни аёвсиз калтаклашини сезиб қолиб, ўғлимни у очган «мактаб»дан чиқариб олдим...».

Мана бунисиси Самарқанд дарвоза кўчасидаги Жиззах проезди 89-уйда истиқомат қилувчи Ғофир Қодиров хатидан: «Мусажоновлар одамларнинг онгини заҳарлаб, диний сарқитларни ташвиқот қиладилар. Масалан, менинг ўғлим Абдуқаҳҳорни намоз ўқишга ва ислом динидаги барча қоидаларни тўла-тўкис бажаришга мажбур қилмоқда. Бу йўлга кирмаганларни у дунё, бу дунё азоби, дўзах олоблари билан қўрқитишади...».

Бу сатрлар изоҳга муҳтож эмас, албатта. Улар шундоқ ҳам Мусажоновларнинг юзсизлигини, инсофсизлигини кўрсатиб турибди. Лекин, бошқа бир нарсани ҳам айтиб ўтиш керак. Бу йўлда улар якка-ёлғиз эмас. Акмал Икромов районида яшовчи Абдукарим, асли намангланлик Муҳаммад каби кимсалар ботбот Мусажоновлар уйида тўпланишиб, «суҳбатлар» ўтказиб туришади, фиск-фасод, ғийбат гаплар авж олади, бемаъни режалар, қабиҳ планлар тузилади. Шундай планларнинг битта «лойиҳаси» икки ёш Саодат Авазова билан Абдуборий Қодировлар оиласига нисбатан ҳам «ишлаб чиқилди». Бунда ҳам ака-ука асосий ролни ўйнади. Куракда турмайдиган мана бу гапларга эътибор беринг:

Ғуломсобир: — Опамиз Абдуқаҳҳорга турмушга чиқиб бири икки бўлмади, ранг-рўйини қаранг, сомонга ўхшайди, сапсариқ. Едириб-ичирганг мол гўшти билан инкубациядан чиққан товуқнинг тухуми-ю, порошокдан тайёрланган сут бўлгандан кейин шу-да. Бу диндан қайтган куёв тўра бўлса нуқул давлат корхонасида ўлиб-тирилиб ишлашдан бошқа нарсани билмайди...

Муҳаммаджон: — Э, нимасини айтасан, ука. Ундан бўлган болани қара, Абдуборийни айтаман-да. Афтинг қурғур тунов кун нима дейди я? Унинг комсомол сафига ўтолмаганига, яна аллақандай орзуларининг ушалмаганига сен билан мен айбдор эмишмиз, ҳа! Кўзимга қаҳрайиб қараб туриб: «сизлар тоғамас, оламушук эканслар» деса бўладими. Жон-поним чиқиб кетди. Опамиз билан адаси, ўзи билан хотинчаси ораларида жанжал чиқиб юрибди-ку, шунга шаъма қилянти шекилли-да?..

Ғуломсобир: — Парво қилманг ака, деса деяверсин. Бўлмаса, келиб-келиб музикачига уйланармиди! Э, хомкалла, пишмаган калла... Тағин худога, динга шак келтириб, уйда пианино чалдиради. Давлат идорасида ишлайди, ўша хотинчаси ўзини бегона эркаклар олдида намойиш қилиб. Ҳали шошмай турсин, биринчи навбатда пианиносини яксон қилиб ташламасам, Ғуломсобир эмсман!..

Ҳарчанд уринмасинлар, Мусажоновлар пианинони «яксон» қилолмадилар. Лекин, уй эгаларининг рухсатисиз «уйда пианино сақлаш гуноҳ, оллога тўғри келмайди» дейишиб, қиммматбаҳо буюмни арзон-гаровга сотиб юборишди. Бу зўравонликми? Ҳа, бу ақлхушни диний оғу заҳарланганда содир бўладиган зўравонлик, бировларнинг қадр-қимматини менсимаслик, ўзгаларга нописандлик билан қарашнинг худди ўзгинаси.

Шу ўринда Саодатхоннинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим кўрдик: «...қайнонамнинг Мусажоновлар деган икки укалари-ю, ойилари бор. Нимагадир улар бизнинг хонадонимизга ҳам хўжайинлик қилишади. Уйимизга тез-тез келиб, йўқ ердан жанжал чиқаришади, тинч, осуда турмушимизни заҳарлашади. Бир гал ҳатто қайнотамга «опамга чайқов нархида кийим-кечак олиб берасан, қўлда сўйилган қўй гўштидан едириб-ичирасан, йўқса кунингни кўрасатамиз», деб дўқ-пўписа қилишди. Қайнотамнинг магазиндан олиб келган гўшти ҳаром эмиш. Диндор Мусажоновларга ёқмагани учун отаонам тўйимизга совға қилган пианинони гумдон қилишди. Яқинда умр йўлдошим касалхонадан даволаниб чиқди. Кечқурун Мусажоновлар уйимизга тағин келишиб, чунонам тўполон қилишдики, куппа-кундуз куни менга еру-кўк қоронғу бўлиб кетди. Улар ишга бормай уйда ўтирасан деб талаб қўйишди. Ўзи ишга тушганимга бир ҳафта бўлган эди. Яна қандай ишдан бўшайман, ахир?! Уларнинг айтганини қилмай, ишга боравердим. Балога қолдим. 9 апрель куни чидаб бўлмайдиган ҳақоратларни бошимга ёғдиришиб, яна уришди. Ҳозирги вақтда биз умр йўлдошим билан уйдан кетиб қолганмиз. Ҳа, ўз уйимизга сиғмай қолдик...».

Мана, кўрдингизми, Муҳаммад ва Ғуломсобирлар совет ахлоқига номуносиб ишларга қўл уриб, ўзгалар ҳаётига оғу солишга уринмоқдалар. Бизнинг воқелигимизни одамлар наздида пастга уришга, мозийга қайтиш ҳақидаги фиск-фасодларни ёйишга ҳаракат қилмоқдалар, дин ва шариат йўлига киришга ундамоқдалар. Аммо ўзлари молдунё ва маиший бузуқликлар олдида тап тортмаяптилар. Улар чучварани хом санашибди. Дин қобиғидаги бу лўттибозларнинг сохта эътиқодларига эндиликда ким ҳам ишонарди дейсиз?!

Шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўларди. Бироқ, Муҳаммад ва Ғуломсобирлар истиқомат қилаётган «Оқлон» маҳалла комитети, унинг активлари шаънига айтадиган икки оғиз гапимиз ҳам бор. Халқимиз бир болага етти маҳалла ҳам оталик, ҳам онолик қилади, дейди. Афтидан, бу ҳикматнинг маъноси оқлонликлар қулоғига етиб бормаган кўринади. Бўлмаса, кўпчилик билан баравар қадам ташлаётган, ўз тўдасидан ажралиб деворни хомига уриб юрган икки шахсни «шатакка» олишмасмиди?! Хўш, улардан озор чеккан кишилар-чи, уларнинг хатти-ҳаракатига қандай баҳо бериш мумкин? Нега улар пичоқ бориб айни суякка қадалганда ғимирлаб қолишди, ахир, касалнинг олдини анча эртароқ олса бўларди-ку?.. Энди «одамнинг оласи ичида» деб бу каби салбий ҳолатларга чуқурроқ разм солмаётган, «ўзингдан чиққан балога...» қабилида иш кўриб, уларга раҳмдиллик қилаётган кишилар бунга нима деркинлар?!

Эшонқул ҲАЙДАРОВ.

ФЕЛЪЕТОН

Халқаро ҳаёт

КПСС XXVII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

ҚОҲИРА, 26 май. (ТАСС). Миснинг «Ал-Мавқиф ал-араби» нашриёти КПСС XXVII съезди материаллари тўпламини араб тилида кўп нусхада босиб чиқарди.

Совет жамияти, дейилади тўплам сўз боши сида, ўз тараққиёти йиллари мобайнида сиёсий, социал-иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда ғоят катта муваффақиятларга эришди. СССРдаги бунёдкорлик жараёнларининг натижалари бошқа халқлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Совет кишилари инсониятнинг космосдаги ўлини очдилар, ер юзида ҳарбий стратегик мувозанатга эришдилар ва империализм кучларининг агрессив режаларини барбод этдилар. Совет Иттифоқининг авангардлик роли, унинг ички ва ташқи сиёсат соҳаларида эришган ютуқлари туфайли социалистик ҳамдўстликнинг позициялари мустаҳкамланди, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш учун имкониятлар яратилди.

КПСС XXVII съезди, деб таъкидланади сўз бошида, совет халқи ва жаҳондаги бошқа халқлар учун порлоқ келажакни барпо этиш реал истиқболини кўрсатди. СССР коммунистларининг анжумани партия совет меҳнаткашларининг манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини намойиш этди, Совет Иттифоқи ривожланаётган мамлакатлар жаҳон империализмининг кирдикорларига қарши олиб бораётган курашда уларни қўллаб-қувватлаётганлигини тасдиқлади. Съезднинг унда қабул қилинган материалларда мужассамлашган ғоялари келгуси босқичда совет халқи бутун фаолиятининг бош йўли бўлиб қолади.

НАЖИБ ЧАРОСЁБ УЕЗДИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

КОБУЛ, 26 май. (ТАСС). Деҳқонларнинг юмушлари ва талаб-эҳтиёжлари республиканинг барча даражалардаги партия ва давлат раҳбарларининг асосий диққат-эътиборида бўлиши керак, деди Афғонистон Халқ демократик партиясининг Бош секретари Нажиб Кобул вилоятидаги Чаросёб уезди ининг аҳолиси билан учрашувда. У АХДП вилоят комитетлари масъул ходимларини, маҳаллий жирғаларнинг аъзоларини ерсиз ва кам ерли деҳқонлар орасида ерларни тақсимлашни кучайтириш, йўлларни ремонт қилишни, ариқ ва қудуқларни тозалашни жадаллаштириш, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга даъват этди. Буларнинг ҳаммаси, деди Нажиб, партия ва давлатнинг афғонлар кенг табақалари турмуш даражасини оширишга интилаётганлигининг энг яхши тасдиғи бўлади.

АХДП Марказий Комитети Бош секретари душман пропагандасига алданиб, чет элларга кетиб қолган ватандошларига мурожаат қилиб, уларни ватанга қайтишга давъат этди. Давлат ўз қишлоғига қайтиб келган ҳар бир кишининг ўз оиласи ва умуман жамият манфаатлари йўлида тинч меҳнат қилишига кафолот беради, деди Нажиб.

□ Болгария Халқ Республикаси пойтахтидаги «Пролетарий» трикотаж комбинати бу йил илғор корхоналар сафига чиқиб олди. Янги, анча такомиллашган техникани жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш муаммоларини ҳал қилишга ижобий муносабатда бўлиш шунга олиб келди. Суратда: комбинатнинг тўқув цехида. Бу ерда ишлаётган Павел Стоянов раҳбарлигидаги бригада сифат белгиси олган маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

СУРИЯ МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 26 май. (ТАСС). Сурия Араб Республикаси ташқи ишлар министри Фаруқ аш-Шараа АҚШда Сурияга қарши кампания авж олдириб юборилганлигини қатъияң қоралади. У Си-би-эс телевизион компаниясининг эшиттиришида сўзга чиқиб, Сурия террорчилик ҳуружларини амалга оширишга алоқадордир, деган даъволарни мутлақо рад этди. «Бу хабарлар бутунлай ёлғон эканлигига сизларни ишонтиришим мумкин,— деб таъкидлади у.— Биз сурияликлар содир бўлган террорчилик ҳуружларига жалб этилмаганлигимизга бутунлай аминмиз. Мен,—деди министр,— америкаликлар энг аввало ўз маъмурияти ўтказаётган сиёсатдан ҳавотирлик билдиришлари зарур, деб ҳисоблайман, чунки террорчилар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қатор ҳукуматларни терроризмга алоқадорликда айблаш тўғри ва адолатли эмасдир». Бу кампания сиёсий сабабларга кўра қасддан Сурияга қарши қаратилгандир, деб қайд этди Ф. Аш-Шараа. Арабларни, айниқса, сурияликларни чўчитиб, уларни Исроил босқинчилигига нисбатан ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур этишга уриниш ана шундай сабаблардан биридир. Мана шу асоссиз кампаниянинг иккинчи сиёсий мақсади фаластинликларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани орқага суришдан иборат, чунки бундан биринчи навбатда Исроил ютиб чиқади.

Биз регионда терроризм сабаблари тугатилиши зарур, деб ҳисоблаймиз, деди Ф. Аш-Шараа. Яқин Шарқ проблемасини ҳал этмай туриб бунга эришиш мумкин эмас.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯГА ТАЗЙИҚ

ТОКИО, 26 май. (ТАСС). Янги Зеландия ҳукумати АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли «Бьюкенен» эсминецига мамлакат портларига киришни биринчи бор ўтган йилнинг бошларида тақиқлаб қўйган эди. Ўшандан бери Вашингтон бош министр Дэвид Лонги маъмуриятини ядро қуролларига қарши сиёсатдан воз кечишга мажбур қилиш мақсадида очиқдан очиқ тазйиқ ўтказмоқда, деб ёзади Японияда ги нуфузли «Экономисуто» журнали.

АҚШ Веллингтонга қарши қўлланаётган «куч ишлатиш» сиёсати деб таъкидлайди журнал. Янги Зеландиянинг ядро қуролларига қарши сиёсати асосини ташкил этувчи шу мамлакат урушга қарши ҳаракатига дағдағадир. Ядро қуролига қарши сиёсатни янги зеландияликларнинг кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда. Жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари, шунингдек Янги Зеландиянинг деярли барча аҳолиси маҳаллий маъмурлар ядросиз, тинч зоналар, деб эълон қилган районларда яшаётганлигининг ўзи ҳам шундан далолат бериб турибди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ГАВАНА. Гавана шаҳри вилояти соғлиқни сақлаш системаси муассасалари ходимларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгаши аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Кенгаш ишида Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро иштирок этди.

Поликлиника хизматини аҳолига яқинлаштириш ва унинг профилактика ишини кучайтириш сингари соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги янги йўналишни анализ қилиш кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида турди. Ф. Кастро мунозарага якун ясаб, кенгашни самарали ва фойдали тажриба алмашиш деб таърифлади ва республика ҳукумати медицина хизмати кўрсатиш системасини такомиллаштиришга катта эътибор бераётганлигини уқтирди. Кейинги вақтларда, деб таъкидлади у, медицина олий ўқув юртлари ҳар йили 3 минг нафар юқори малакали мутахассис тайёрламоқда. Яқин келажакда медицина институтларини ҳар йили 4 минг студентнинг битириб чиқиши, олий маълумотли медицина ходимлари сонини 2000 йилга бориб қарийб 65 минг кишига етказиш режалаштирилмоқда.

● НИКОСИЯ. Бу ерда XI Кипр халқаро ярмаркаси очилди. Ана шу савдо-саноат анжуманида 15 давлат ва ташкилот, шу жумладан СССР, Болгария, Венгрия, ГДР, Чехословакия, Сурия, Фаластин Озодлик Ташкилоти қатнашмоқда. Совет павильони ярмаркада энг катта павильонлардан биридир. Унинг стендларида ва очиқ майдончасида 1500 экспонат, шу жумладан янги совет автомашиналари, тракторлари, станоклари, ўрмон саноати буюмлари, балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш ускуналари намойиш қилинмоқда. Кипр президенти Спирос Киприану ярмаркани очиш тантанали маросимида нутқ сўзлаб, ярмаркани ўтказишдан мақсад — Кипрни экономика ва савдо-сотиқ соҳасида регион халқлари ва мамлакатларининг савдо қилиш жойига айлантиришдан иборат, деб уқтирди.

● БОННН. Ғарбий Германия кемасозлик корхоналари эгаларининг иш жойларини анча қисқартириш ниятларига қарши Рендсбург, Бремерхафен, Киль, Фленсбург ва ГФРнинг бошқа шаҳарларида оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Бу намойишларда ГФРдаги 32 кемасозлик корхонаси ишчи ва хизматчиларидан 36 мингдан кўпроқ киши қатнашди. Намойишларнинг иштирокчилари ҳукуматдан кемасозлик корхоналари меҳнаткашлари ялпи ишдан бўшатилишининг олдини олишни талаб қилдилар. Аксҳолда шу корхоналарда банд бўлган кишиларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ишсиз қолади.

(ТАСС, 26 май).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро Тошкент кинофестивали давом этмоқда

ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

● КЕЧА пойтахтимиздаги Санъат саройида намойиш қилинган Тожикистон, Сурия, Туркия ва Япония фильмлари бўйича совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

● РЕСПУБЛИКА Кино уйида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуда ижодий мунозара бошланди.

● Кечқурун Ўзбекистон ССР Театр жамиятида кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари билан учрашув бўлди.

● БУГУН Санъат саройида Қозоғистон, Озарбайжон ва Тунис кинематографчилари ўзларининг бадиий картиналарини намойиш қиладилар.

Республика Кино уйида эса ижодий мунозара давом этади.

● Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимонарийсига ташриф буюрадилар.

□ ОСИЁ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX халқаро Тошкент кинофестивалида Афғонистон кинематографчилари фаол иштирок этмоқдалар. Суратда: афғонистонлик постановкачи-рассом Адела Даштбаҳ.

А. Абалян фотоси.

●

□ КУНИ КЕЧА пойтахтимиздаги Санъат саройида туркманистонлик ижодкорлар «Фироқий — бахтдан айрилган демак» бадиий фильмини намойиш қилишди. Атоқли туркман шоири Махтумқулининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бу картина режиссёр Хўжақули Норлиев бошчилигида яратилган. Суратда: (ўнгда) Хўжақули Норлиев монголиялик санъаткор Бадрахин Сумху билан.

А. Зуфаров фотоси.

«Хизмат - беминнат» — меҳмонларга

ЎЗБЕКИСТОН НЕЪМАТЛАРИ

ОСИЁ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX халқаро Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари истиқомат қилаётган «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ер юзининг турли бурчакларидан келган санъаткорларни, улардан интервью олаётган журналистларни, ижодий суҳбат қураётган ҳамкасб дўстларни, меҳмонларга хизмат қилаётган таржимонларни... хуллас, турли касб эгаларини учратамиз.

Айниқса, меҳмонхонанинг 2-қаватида жойлашган «Хизмат — беминнат» фирмасига қарашли 1-универсам дўкони мижозлар билан гавжум. Бу ердан республикамизда машҳур «Ўртоқ» ва «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг олий навли конфет ва печеньелари, Самарқанднинг машҳур қуритилган мевалари, халқимизнинг новвот, парварда, пашмак, ҳолва каби ажойиб ширинликлари харид қилинмоқда. Шу боисдан ҳам шарқона жиҳозланган буфет «Ўзбекистон неъматлари» деб аталади. Меҳмонларга комсомол-ёшлар коллективи хизмат қилмоқда. Ўзбек миллий кийимидаги сотувчиқизлар орасида Тошкент шаҳар Советининг депутати Фарида Мамадиёрова, Муҳаббат Содиқова, Венера Дю, Гулчеҳра Сиддиқова сингари ёшлар бор.

— Фирмамиз халқаро Тошкент кинофестивали меҳмонларига мунтазам равишда хизмат қилади,— дейди «Хизмат-беминнат» фирмасининг бош директори Наталья Александровна Генералова.— Сотувчиларимиз ширин муомала ва хизмат маданияти билан Ўзбекистон меҳмонларини хурсанд қилаяпти. Бу борада фирмамизга қарашли 1-универсамнинг С. М. Мираюпова раҳбарлик қилаётган сотувчилар коллективи намуна кўрсатмоқда.

Шунингдек, «Ўзбекистон» меҳмонхонасида жойлашган республика «Олмос» бирлашмасига қарашли 25-«Березка» магазинининг 7-филиали, 22-магазиннинг 8-филиали ва бошқа савдо тармоқларида ҳам фестиваль меҳмонларига намунали савдо хизмати кўрсатилмоқда.

Ф. ҒАФФОРОВА.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

ШАХСИЙ МАБЛАҒДАН — ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Флюра Фазлиева ўз шахсий маблағидан тинчлик фондига 100 сўм пул ўтказди. Флюранинг бу ташаббуси ўзи меҳнат қилаётган Оққўрғон районидаги Ломоносов номли 11-ўрта мактаб коллективига тезда тарқалди. Бу коммунист педагог доимо ўзининг ташаббускорлиги билан коллектив аъзоларини эътиборига сазовор бўлмоқда. У дарсларни ҳар доимо намунали, ўқувчиларга тушунарли қилиб ўтишга ҳаракат қилади. Математика ўқитувчиси Флюранинг таржимаи ҳоли оддийгина. У Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини муваффақиятли тугаллади. Институтда олган билимларини эндиликда мактаб ўқувчиларига ўргатмоқда.

М. ТОЖИБОЕВА, штатсиз мухбир.

●

ҚАРДОШ САНЪАТКОРЛАР КОНЦЕРТИ

Шаҳардаги «Химик» маданият саройида Тожикистон давлат филармониясининг санъаткорлари концерт беришди. Томошабинлар айниқса, СССР халқ артисти, Тожикистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Жўрабек Муродов, СССР халқ артисти, Рудакий номидаги Тожикистон давлат мукофоти лауреати Малика Қаландарова ижросидаги совет ва жаҳон халқларининг қўшиқ ҳамда рақсларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Шунингдек, солистлар Хосият Ортиқова, Хурсанмурод Зарипов ва бошқалар ижросидаги қўшиқлар ҳам катта таассурот қолдирди.

Пировардида Жўрабек Муродов йиғилганларга Ҳиндистон, Япония ва Бельгия гастроллари таассуротлари ҳақида гапириб берди.

О. ХУШНАЗАРОВ, Олмалиқ шаҳри.

●

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Янгийўл районидаги «Гулбаҳор» посёлкаси йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Бу ерда янги, ҳашаматли тураржой бинолари, маданият масканлари, болалар боғчалари қад кўтармоқда.

Яқинда гулбаҳорликлар учун яна бир қулайлик яратилди. Посёлка марказида янги магазин фойдаланишга топширилди. Мазкур савдо шаҳобчасидан харидорлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда китоблар ҳам сотиб олишлари мумкин.

Р. АБДУҚАЮМОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СОЧ СЕРЖИЛО БЎЛАДИ

КЎПИРУВЧИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ

СОЧ МОМИҚДАЙ МАЙИН ВА СЕРЖИЛО, ТЕРИ ЭСА НАФИС ВА СИЛЛИҚ БЎЛАДИ.

«ГЛОРИЯ» таркибига терини юмшатувчи моддалар қўшилган.

«ВЕРБЕНА» — биологик актив моддалардан иборат бўлиб, унга арпабодиён мойи қўшилган. У сезувчан терилар учун ғоятда фойдалидир.

«ГЛОРИЯ» ва «ВЕРБЕНА» соч ювиш ва ванна қабул қилиш учун мўлжалланган.

Булар ҳар қандай сувда яхши кўпиради.

ВНИИХИМПРОЕКТ.

АВТОМОБИЛЬ ҲАМИША ЯНГИДЕК!

Автокосметика воситалари транспорт воситаларини доимо ораста тутишда машаққатни осон қилади.

«Омега-1» 30 минут давомида автомобилнинг металл қисмидаги зангларни яхши кетказади.

Агар сиз автомобилнинг эски бўёғини кетказиб, уни янгидан бўяш тараддудида бўлсангиз «Автокосметика» кузовдаги эски лак бўёқ қопламасини осон кетказади.

Сиз бу тозалаш воситаларини «Узбитпластик» 1-фирма магазинида сотиб оласиз.

Тозалаш воситалари баҳоси 78 тийин ва 1 сўм 44 тийин.

«Узбитпластик» 1-фирма магазини (телефон 44-50-30).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

• Эстония театри Тошкентда

ГАСТРОЛЛАР БОШЛАНДИ

ЎТГАН якшанба куни Эстония ССР Давлат рус драма театри пойтахтимизда ўз гастролини Шекспирнинг «Ёзги тундаги туш» комедияси билан бошлади. Горький номли театр саҳнасида намойиш этилган бу асар байрамона қувноқлиги, безакларининг ранг-баранглиги билан томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди. Улар актёрларнинг юксак истеъдоди ва маҳоратини қайта-қайта қарсаклар билан муносиб баҳоладилар.

— Бу биз учун катта қувонч,— дейди театр директорининг ўринбосари В. С. Тарасов.— Коллективимиз бундан буён ҳам мухлислар қалбида ана шундай самимият уйғотишга интилади.

Тошкентда биринчи бор иштирок этаётган бу труппанинг таржимаи ҳоли унчалик катта эмас. Унинг ташкил этилганига эндигина 38 йил бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида коллективда ажойиб талантли актёрлар сафи кенгайди. Кейинги йилларда улар қаторига Москва бадиий академияси театри қошидаги мактаб-студияни битириб келган кўплаб ёшлар қўшилишди.

Театрнинг Тошкентда намойиш этадиган афишасидан замонавий тематикадаги асарлар билан бирга, рус ва чет эл классиклари драмалари ҳам ўрин олган. Тошкентликлар шулардан М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад», ҳозирги замон эстон драматургиясининг истеъдодли вакили Энна Ватемаанинг «Муқаддас Сусанна ёки усталар мактаби», Алексей Арбузовнинг «Тунги мўъжиза», Александр Червинскийнинг «Бахтим борки...», Роберт Бернснинг шеърлари асосида тайёрланган «Қувноқ камбағаллар» пьесаларини кўришга муваффақ бўладилар.

Шунингдек, театр мухлислари эътиборига ленинградлик драматург Александр Галин, испан драматурги Гильерми Фигейредунинг қатор асарлари, Микола Кулишнинг бошдан-оёқ кулгидан иборат спектакллари ҳавола этилади.

Таллинликлар репертуарида болалар учун ҳам муносиб асарлар бор.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

БЕДОР ТУНЛАР КЕЛМОҚДА

● ШУ КУНЛАРДА кўпсонли футбол мухлисларининг ниғоҳи Мексика шаҳарларига қадалган. Яна уч кундан сўнг бу ерда XIII жаҳон чемпионати мусобақаларига старт берилади. 24 команда аввалига группаларга бўлиниб ўзаро учрашадилар. Ғолиблар навбатдаги босқичга чиқишади.

Марказий телевидение жаҳон чемпионатининг 40 та ўйинини олиб кўрсатишни режалаштирган. Ишқибозлар СССР терма командасининг 2 июнь Венгрия, 5 июнь Франция, 9 июнь Канада футболчилари билан бўладиган ўйинини биринчи проґрамма орқали Москва вақти билан соат 22 да томоша қилишлари мумкин.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

● ОРЖОНИКИДЗЕ шаҳрида эркин кураш бўйича СССР 42-чемпионати ниҳоясига етди. Икки марта жаҳон чемпиони Арсен Фадзаев 68 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашиб, финалда ўтган йилги мамлакат чемпиони Борис Будаев билан учрашди ва 5:0 ҳисобида ғалабага эришди. Мутахассислар эътироф этишича бу вазнда ҳозирда Арсен Фадзаевга тенг келадиган спортчи йўқ.

Ака-ука Аслан ва Махарбек Хадарцевлар ҳам чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлишди. Аслан Хадарцев 1983 йилги жаҳон чемпиони ҳисобланса, унинг рақиби Лери Хабелов 1985 йилги жаҳон чемпионидир. Финалда ана шу икки кучли спортчининг баҳси тошкентлик полвон ғалабасига ҳал бўлди.

Аслан Хадарцев иккинчи марта мамлакат биринчиликларида ғалабага эришаётган бўлса, унинг укаси Махарбек биринчи бор чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Тошкент давлат университети юридик факультетининг студенти Махарбек Хадарцев 90 килограммгача вазнлилар беллашувида қатнашди.

Чемпионат тугади. Энг яхши полвонлар ҳадемай Будапештда бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарликни бошлаб юборишади.

СУЗУВЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

● РИМДА уч кун давомида Венгрия, Греция, Италия, АҚШ, Франция, ҒФР, Швейцария ва Совет Иттифоқининг кучли сузувчилари иштирокида халқаро турнир бўлиб ўтди. СССР терма командаси сафида қатнашган тошкентлик Димитрий Панков 200 метрга баттерфляй усулида сузишда 2 минут 03,62 секундда етиб келиб, биринчи бўлди. Унинг командадош дўсти А. Савченко иккинчи ўринни эгаллади. Димитрий Панков худди шу масофага эркин усулда сузишда 1 минут 54,21 секунд натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

НИҲОЯТ, ҒАЛАБА

● АЁЛЛАР ўртасида чим устида хоккей бўйича олий лига командаларининг навбатдаги давра ўйинлари «Политотдел» колхози стадиони ва Шауляй шаҳрида давом этмоқда. Областимиз вакиллари турнир жадвалининг энг сўнгги поғонасида туришибди. Улар ўз майдонларидаги дастлабки ўйинни «Ритм» командаси билан ўтказиб, 0:2 ҳисобида утқазишди. Иккинчи кун эса Арманистоннинг «Лусаван» коллективини худди шундай ҳисобда енгиб, биринчи ғалабани қўлга киритдилар. Чемпионатда эса олти учрашувнинг ҳаммасида ғалабага эришган андижонлик қизлар пешқадамлик қилишмоқда.

□ Тошкентдаги «Старт» стадионида спортнинг қатор турлари бўйича секциялар ишлаб турипти. Фақат теннис секциясининг ўзида бир неча группа мавжуд бўлиб, уларда кўплаб ҳаваскорлар шуғулланади. Суратда: кичкинтойлар группаси аъзолари навбатдаги машқ олдидан.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«МАТЕМАТИКА ДАФТАРИ»

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти «Математика дафтари» китобини босмадан чиқарди. У умумий таълим мактабларининг биринчи синф математика дарслигига илова тариқасида чиқарилди.

«Математика дафтари» олти ёшли болаларнинг мустақил ўқув ишини ташкил этиш учун мўлжалланган. У бошланғич синф ўқувчиларида математикага қизиқиш уйғотишда, мазкур фанни яхшироқ ўрганишларида катта ёрдам беради. «Математика дафтари» билан ишлаш ҳақидаги кўрсатмалар ўқитувчилар учун махсус методик қўлланмада берилган. Методик қўлланма ҳам яқинда нашр этилади.

«ҚОБУСНОМА»

НАШРИЁТ Унсурулмаолий Кайковуснинг «Қобуснома» асарини чоп этди. Шарқ классик педагогикаси намуналаридан бўлган бу асар бундан аввал ҳозирги ўзбек тилида уч марта нашр этилганди. Муҳаммад Ризо Оғаҳий таржимасидаги ушбу нашр эса биринчи марта китобхонларга тақдим этилмоқда.

Маълумки, Оғаҳий таржимаси XIX аср ўзбек адабий тилида бўлиб, ҳозирги замон ўзбек адабий тилидан анча фарқ қилади. Китобхонларга осон бўлиши учун китобда учрайдиган араб ва форсча сўзларнинг ўзбек тилидаги маъноси, шеваларнинг ҳозирги вақтда тилимизда ишлатиладиган формалари ҳам берилган. Ҳатто айрим жумлалар ҳозирги ўзбек тилига яқинлаштирилган. Китобга таниқли адабиётшунос С. Долимов сўз боши ёзган.

Б. ХОЛЛИЕВ.

ТВ

28 МАЙ — ЧОРШАНБА

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

⊙ МТ I

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 «Саёҳатчилар клуби». 10.45 Экран усталари. «Любовь Орлова». Бадиий публицистик фильм. 12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар. 15.20 Чегарачилар кунига. Ҳужжатли фильмлар: «Тинч океандаги дозор» (Узоқ Шарқ кинохроника студияси). «Тириклар рўйхатида мангу» (Душанба). «Тўқкизинчи застава» («Беларусьфильм»). 16.05 «Болалар ери». Вокал хореографик композиция. 16.45 Стадион ҳамма учун. 17.15 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви. 17.45 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.15 «Союзмультфильм» киностудиясининг мультипликацион фильми. 18.40 Монголия Халқ Республикаси бадиий коллективларининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Дунё ва ёшлар». 20.05 «Чегарачилар куни». СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари штабининг бошлиги, генерал-лейтенант И. Я. Кадиниченко сўзи. 20.20 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм — «1941 йил» («Экран»). 1-серия. 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 3-кўрсатув. 19.20 «Хесир». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Боку). 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Бизнинг цирк». 20.45 «Агар соғлом бўлай десанг». 21.00 «Музикали киоск». 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 «Санъатга хизмат қилиш — ҳақиқатни такрорлашдир...»

● ЎзТВ I

7.15 Ритмик гимнастика. 7.40 Чегарачилар кунига. «Ватанимиз чегаралари». Ҳужжатли фильм. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 Ишчи ёшлар учун. «Беш йиллик одимлари». 8.10 «Фарғонанинг мовий халқаси». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 8.20 «Тонгги тароналар». 8.30 «АХБОРОТ».

18.00 Янгиликлар. Кинофестиваль кундалиги. 18.15 «Бугун — Чегарачилар куни». «Сарҳадларимиз посбонлари». 18.45 «Маза қилиб дам олдим». Мультфильм. 18.55 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Пахта териш машинаси: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Миллионлар ленинча университети» туркумидан. 19.30 «АХБОРОТ». 19.45 «Дирижёр Дилбар Абдурахмонова». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.15 «Заминнинг барча гуллари». Ҳужжатли фильм. 20.30 «АХБОРОТ». 20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси Ўйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.05 «Фестиваль учрашувлари». Осиё Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро Тошкент кинофестивалида. 23.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II. 18.05 Кўрсатувлар программаси. 16.10 «Пионер телетайпи» (такрорий). 18.20 «Унутилмас сатрлар». Жомий ғазаллари. 18.45 Болалар учун. «Қувноқ шаҳарча» (такрорий). 19.20 Ўқитувчи экрани. Илғор ўқитувчилар тажрибасидан. 19.50 Ритмик гимнастика. 20.10 «Май юлдузлари». Байрам музикали программаси. 1-қисм. (1 Майдаги кўрсатув такрорланади). 21.00 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Яна бир бор сифат ҳақида». 21.30 МТ II.

КОМИЛ ЕРМАТОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ ДАВЛАТ АРБОБИ УСМОН ЮСУПОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ

«ҲАЁТ МАЗМУНИ»

ФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН АҲОЛИДАН

1920—1950-йилларда ишлаб чиқарилган ётоқхона ва кабинет мебеллари, кийим-кечаклар, уй жиҳозлари, лампалар, абажурлар ва бошқа буюмларни

СОТИБ ОЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700065, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй. Телефон 77-09-81. Суратга олишга тайёргарлик бўлими.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/V да **Тумарис.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/V да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/V да **Мангулик.**

Ҳамза район ошхоналар трести касаба союз комитетининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325558; хатлар бўлими — 325757.

Р. 08778. Б.—1611. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12